



“13” 04 2022-yil

02-11/2066-son

Вазирлик ва идораларга
(рўйхат бўйича)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Инновацион ғоялар етакчиси” кўкрак нишонини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 2 октябрдаги 786-сон қарорига мувофиқ “Инновацион ғоялар етакчиси” кўкрак нишони ҳар йили инновацион ғоя ва технологияларни ривожлантириш ва уларни амалиётга татбиқ этишга муносиб ҳисса қўшган ёш олимлар ва талабалар ҳамда ташаббускор фуқароларнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш ва эришган ютуқларини муносиб тақдирлаш мақсадида Инновацион ғоялар ҳафталиги — “InnoWeek.Uz” доирасида топшириш белгиланган.

Ушбу қарорнинг 1-илоvasи “Инновацион ғоялар етакчиси” кўкрак нишони тўғрисидаги Низомга мувофиқ олий таълим муассасаларидан кўкрак нишони билан тақдирлашга оид дастлабки таклифлар ҳар йили 1 апрелдан 30 апрелгача ушбу масала бўйича ташкил этилган комиссияга тақдим этилиши белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси қарори ижросини ўз вақтида ва самарали таъминлаш мақсадида қуйидагиларни:

– тизимингиздаги олий таълим муассасаларида кўкрак нишони бўйича дастлабки таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш бўйича **комиссия тузишни;**

– талабалар ва ёш олимлар орасида ушбу кўкрак нишони **тарғиботини амалга оширишни** ва ҳужжатларини **2022 йил 30 апрель кунига қадар қабул қилишни;**

– кўкрак нишони учун топширилган ҳужжатларни тузиладиган комиссия томонидан иловада келтирилган баҳолаш мезонлари асосида баҳолаб, **10 та энг яхши лойиҳани танлаб олишни;**

– танлаб олинган 10 та энг яхши лойиҳа ва унинг муаллифи тўғрисидаги маълумотларни 2022 йил 1 июнгача тегишлича **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тақдим этишни** ташкил этишда амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

Илова: ___ в.

Вазир ўринбосари

Ш.Туридикулова

002535

Ижрочи: У.Нурматов
Тел.: (99) 899 39 96

Вазирлик ва идоралар рўйхати

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги;
2. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги;
3. Маданият вазирлиги;
4. Транспорт вазирлиги;
5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги;
6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги.

“Инновацион ғоялар етакчиси” кўкрак нишони учун топшириладиган хужжатлар рўйхати

Кўкрак нишони билан тақдирлашда иштирок этувчи ёш олимлар ва талабалар ҳамда ташаббускор фуқаролар қуйидаги хужжатларни тақдим этадилар:

А). Фотосурат (электрон, 9x12 ўлчамда, оққа фон оқ рангда, jpg/jpeg форматда).

Б). Шаҳсини тасдиқловчи хужжат (паспорт/ID карта рангли нусхада, pdf форматда).

В). Келтирилган шаклдаги ариза (иштирокчи томонидан тасдиқланган, pdf форматда).

Г). Тегишли шаклдаги номзод маълумотномаси (doc ёки docx форматда).

Д). Тавсифномаси (doc ёки docx ҳамда тасдиқланган pdf форматда).

Е). Илм-фан ва инновациялар соҳасида эришган ютуқларини тасдиқловчи хужжатлар (патент, сертификатлар, мақтов ёрлиқлар ва бошқалар, барчаси бир pdf хужжатда жамланган ҳолда).

Ж). Тавсияномалар (камида иккита тасдиқланган pdf форматда)).

З). Келтирилган шаклдаги илм-фан ва инновациялар соҳасида амалга ошириш режалаштирилган янги лойиҳа. Бунда иштирокчи томонидан ўзининг илмий, амалий, инновацион, фундаментал ёки стартап лойиҳаси тақдим этилади.

Тақдим этилган хужжатларнинг тўғрилигига ва ҳаққонийлигига аризачининг шахсан ўзи жавобган ҳисобланади.”

**“Инновацион ғоялар етакчиси” кўкрак нишонининг саралаш
босқичида иштирок этиш учун
АРИЗА**

1.	Аризачининг исми-шарифи (тўлиқ холда)	
2.	Аризачининг иш жой (ўқиш жойи)	
3.	Алоқа учун маълумот (яшаш манзили, тел. рақам, электрон почта)	

Ушбу ариза ва унга иловаларда кўрсатилган барча маълумотларни тўғри, долзарб ва ҳаққоний эканлигини тасдиқлайман. Мен Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг ғолибларини аниқлаш тўғрисидаги қарорининг якунийлигига ва эътирозга ўрин йўқлигига, шунингдек ушбу саралаш босқичи доирасида “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида” 2019 йил 2 июлдаги ЎРҚ-547-сон Қонунига мувофиқ маълумотларни қайта ишлашга розилик бераман.

Аризачи: _____
исми-шарифи (тўлиқ холда)

ИМЗО

САНА

**Илм-фан ва инновациялар соҳасида амалга ошириш
режалаштирилган янги лойиҳа**

Лойиҳа номи

Лойиҳа тўғрисида маълумот Ўзбек тилида, аниқ тушунарли ёзилади. Маълумот фақатгина аризачи томонидан тўлдирилиши шарт.

Тўлиқ исми (Фамилия, Исми, Шарифи):

Телефон рақами:

Худуд (Вилоят, туман, шаҳар):

Электрон манзил:

1. Лойиҳанинг қиймати, қайси тармоққа ва ҳудудга оидлиги, мақсади ва вазифалари. (300 та сўздан кўп бўлмаган ҳолда)

2. Лойиҳа амалиётга татбиқ этилганда, мамлакатнинг қайси ижтимоий иқтисодий йўналишларини яхшилади. (200 та сўздан кўп бўлмаган ҳолда)

3. Қўшимча маълумот учун (300 та сўздан кўп бўлмаган ҳолда). Ушбу бандда таклиф этилаётган лойиҳага оид чизмалар, схемалар, расмлар, инфографикалар тақдим этилади

Сана

Имзо

**“Инновацион ғоялар етакчиси” кўкрак нишони билан
тақдирлаш учун номзодларнинг
БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

№	Баҳолаш мезонлари	Кўрсаткичнинг умумий рейтингдаги салмоғи (белгиланган балл)		Балл
I	Сўралган ҳужжатларни талабларга мувофиқ тақдим этилгани	10 баллгача		
II	Аризачи томонидан тақлиф этилаётган лойиҳанинг мазмуни	45 баллгача		
1	Тақлиф этилаётган лойиҳанинг қиймати, қайси тармоққа ва ҳудудга оидлиги, мақсади ва вазифаларининг ёритилиши	10 баллгача		
2	Тақлиф этилаётган лойиҳа амалиётга татбиқ этилганда, мамлакатнинг ижтимоий иқтисодий такомиллаштириш бўйича маълумот	10 баллгача		
3	Муаммонинг долзарблиги ва унинг ечими	Кўрсатилган муаммо ҳудудда долзарб ва лойиҳа унинг ечими бўла олади	10 балл	
		Кўрсатилган муаммо ҳудудда долзарб ва лойиҳа унинг қисман ечими бўла олади	5 балл	
		Кўрсатилган муаммо ва инновацион лойиҳа бир-бирига мос келмайди	0 балл	
4	Тақлиф этилаётган лойиҳадаги ғоянинг оригиналлиги, ўзига хослиги ва талаб этиладиган қўшимча шарт-шароитлар ва маблағлар	Ғоя оригинал ва ўзига хос бўлиб ностандарт усулда тақдим этилиб қўшимча шарт-шароит ва маблағ талаб этилмайди	10 балл	
		Ғоя оригинал ва ўзига хос бўлиб ностандарт усулда тақдим этилиб қўшимча шарт-шароит ва маблағ талаб этилади	5 балл	
		Ғоя оригинал ва ўзига хос бўлиб ностандарт усулда тақдим этилиб қўшимча шарт-шароит ва маблағ асоссиз талаб этилади	2 балл	
		Ғоя рақобатбардош ва муаммога ечим бўла олмайди, қўшимча шарт-шароит ва маблағ асоссиз талаб этилади	0 балл	
5	Тақлиф этилаётган лойиҳада чизмалар, схемалар, расмлар, инфографикалар ва мавжудлиги ва ўринли фойдаланилганлиги	Чизмалар, схемалар, расмлар инфографикалар маълумотга мос равишда акс эттирилган	5 балл	
		Чизмалар, схемалар, расмлар инфографикалар маълумотга қисман мос равишда тақдимотда акс эттирилган	3 балл	
		Чизмалар, схемалар, расмлар инфографикалар акс эттирилмаган	0 балл	
III	Аризачи томонидан тақдим этилган тавсияномалар	10 балл		
1	Аризачи томонидан амалга оширилган лойиҳаларининг ҳудудга ёки тармоқ соҳасига фойдалилиги бўйича тегишли давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари томонидан қўллаб-қувватланиши	Давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, йирик корхоналар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан мазкур лойиҳа қўллаб-қувватланиб ўзларида амалиётга татбиқ этган	10 балл	
		Давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, йирик корхоналар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан мазкур лойиҳани молиявий қўллаб-қувватлашга тайёр	5 балл	
		Тавсиянома тақдим этилмаган	0 балл	

№	Баҳолаш мезонлари	Кўрсаткичнинг умумий рейтингдаги салмоғи (белгиланган балл)		Балл
IV	Лойиҳа бўйча олинган патент тўғрисида маълумотнома, сертификатлар, мактов ёрлиқлар ва бошқалар	35 баллгача		
1	Лойиҳа бўйча олинган патент тўғрисида маълумотнома, сертификатлар, мактов ёрлиқлар ва бошқалар	Халқаро патент	15 балл	
		Маҳаллий патент	10 балл	
		Халқаро миқёсидаги Сертификатлар, мактов ёрлиқлар, дипломлар ва х.к.	5 балл	
		Республика миқёсидаги Сертификатлар, мактов ёрлиқлар, дипломлар ва х.к.	5 балл	
		Тақдим этилмаган	0 балл	
		Жами	100	